

ҒУЗОР ТУМАНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КАРТАЛАРИНИ ТУЗИШДА ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Саидова Д.З. – ТИҚХММИ магистранти
Назаров М.И. – ЎзМУ доценти

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Бугунги кунда унинг хиссасига 17,6 %и тўғри келади. Мазкур тармоқ тарихан республика иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишида пойдевор бўлиб хизмат қилди. Шу сабабдан, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакат раҳбарияти ушбу соҳани иқтисодиётимизнинг устувор соҳаларидан бири сифатида ривожлантириш учун катта эътибор қаратиб келмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб, фермер ва деҳқон хўжаликлари республика қишлоқ хўжалигининг асосий ташкилий ташкилий шаклларига айланди. Ҳозирда уларнинг хиссасига етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг катта қисми (фермер хўжаликлари - 32,9%, деҳқон хўжаликлари - 65,1%) тўғри келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ҳудудий тузилиши ва ривожланиши муаммоларини тадқиқ қилиш, унинг вилоятлар, қишлоқ туманлари кесимида, жойнинг табиий шароити, ер-сув ресурслари аҳволи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, ривожлантириш муаммоларини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқ этилаётган Ғузор тумани Қашқадарё вилоятининг жанубида жойлашган бўлиб, Қарши, Деҳқонобод, Қамаш, Чироқчи туманлари билан чегарадош, жануби – ғарбдан эса унинг ҳудуди Туркманистон Республикасига бориб туташади.

Ғузор тумани 1926 йили 2 сентябрда ташкил топган. Унинг умумий майдони 2,65 минг км. кв.ни ташкил қилади. 2018 йил 1 январь ҳолатига туман аҳолиси жами 195,8 минг кишини ташкил қилган. Туман ҳудуди шарқ

томондан Чақчар тоғ тизмаларига бориб туташади. Унинг худудидан Ғузордарё ва ирригацион каналлар оқиб ўтади.

Ғузор тумани ўзининг табиий шароити хусусиятлари ҳамда ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб, асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Туманда жами экин майдони 61483 гектарни ташкил қилади, унинг 57%и ёки 34998 гектари эса суғориб деҳқончилик қилинадиган ерларга тўғри келади. Ҳозирги кунда туманда жами 1090 гектар кўп йиллик дарахтзорлар мавжуд. Шулардан, 622 гектари – мевали боғларга, 50 – гектари узумзорларга, 408 гектар ер майдони эса – тутзорларга тўғри келади.

Мазкур туманда яйлов чорвачилигини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Жумладан, табиий яйловлар ҳозирда 168581 гектар яйловлар бор. Туманда 4066 гектар ер майдони деҳқон хўжаликларига тўғри келади.

Ҳозирги даврда Ғузор туманида 2299 гектар ерлар турли даражада шўрланган, 1280 гектар ернинг эса мелиоратив ҳолати ёмонлашган.

2018 йил ҳолатига кўра туман худуди куйидаги 17 та қишлоқ хўжалиги массивига ажратилган: Ғузор, Пачкамар, А.Турсунов, Истиқлол, Батош, М.Раҳмонов, О.Кўчкинов, Яникет, Бўстон, Навбахор, Оҳунбобоев, Улуғбек, Навоий, Наврўз, М.Хасанова, Жонбулоқ, Тоҳир-Зухра. Мазкур қишлоқ хўжалиги массивларининг 2 таси қорақўлчиликка, қолган барчаси эса асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Туман худудининг катталиги, табиий яйловларнинг кўплиги, ўз навбатида сут-гўшт чорвачилигини (қорамолчилик) ва пиллачиликни ривожланишига шароит яратган.

Юқоридагилардан кўринадики, мазкур туман хўжалиги асосан аграр йўналишда шаклланган. Шунинг билан бирга, туман худудида “Шўртангаз”, “Шўртангаз-кимё” каби йирик саноат корхоналари ишлаб турибди.

Туманда 2016 йил ҳолатига жами 10060 гектар пахта экин майдони бўлиб, 17213 тонна пахта хомашёси етиштирилган. Ўртача ҳосилдорлик гектаридан 17,1 центнерни ташкил қилади.

Ҳозирги даврда ҳудудларнинг иқтисодий – ижтимоий ривожланишини ўрганишда, жумладан вилоятлар, қишлоқ туманларини иқтисодий – ижтимоий ривожлантиришда, бунда уларнинг табиий шароити ва ер-сув ресурсларидан, демографик салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятларини ўрганишда географик ахборот тизимлари (ГАТ) муҳим аҳамият касб этади.

Аграр соҳага географик ахборот тизимларини жорий қилиш натижасида қишлоқ туманларининг аграр ишлаб чиқариш салоҳияти ва имкониятларини тизимли ўзида акс эттирган қишлоқ хўжалиги карталари яратилади. Бунда, энг аввало, туман қишлоқ хўжалигининг ривожланиш ҳолати ва имкониятлари билан боғлиқ қуйидаги муҳим масалаларга асосий эътибор қаратилади:

- қишлоқ хўжалигининг тармоқлар таркиби;
- қишлоқ хўжалигининг ҳудудий таркиби, қишлоқ хўжалиги районлари;
- қишлоқ хўжалигини ривожланишининг асосий параметрлари.

Таъкидлаш жоизки, бундай аграр карталар, энг аввало тармоқ карталари бўлиб ҳисобланади. Шулар билан бирга, туман қишлоқ хўжалигини тўлиқ ўзида қамраб олган, комплекс карталарни яратиш ҳам муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ва бунда ГАТнинг ролини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Замонавий географик ахборот тизимларини қўллаган ҳолда агро карталарни яратиш жараёнида қуйидаги асосий босқичлар бўйича мақсадли тизимли ишлар амалга оширилади: - тармоқ ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини яратиш; - маълумотларни тизимлаштириш ва қайта ишлаш, картанинг асослари ва легендасини ишлаб чиқиш; - карта лойиҳалаш ва тузиш.

Қишлоқ хўжалиги карталарини тузишда кўпроқ картограмма, ареаллар, нуқталар, картодиаграмма усулларидан фойдаланилади. Шунинг билан бирга, туман миқёсида қишлоқ хўжалигида ер ва сувдан фойдаланишнинг

аҳволи, 1 гектардан олинадиган ҳосил ёки турли харажатлар билан боғлиқ агрокарталарни ҳамда фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш салоҳияти ва имкониятларини ГАТни қўллаш асосида ўзида мужассам қилган қишлоқ хўжалиги карталарини яратиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Мирзалиев Т., Мусаев И., Сафаров Э. Ижтимоий-иқтисодий картография. - Т., Янги аср авлоди, 2009.
2. Эгамбердиев А. Социал-иқтисодий картография. – Т., ТошДУ, 1989.
3. Ғузур тумани статистика бўлими маълумотлари, 2018 йил.